O'ZBEKISTON
INV.

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 8 OKTABR
SESHANBA
№ 126 (26.985)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

## ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО АНГЛАШУВ – УМУМИЙ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ

5-6 октябрь кунлари Тожикистон пойтахти Душанбеда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти саммити ҳамда Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлиб ўтди.



Ислом Каримовнинг Душанбега ташрифи ҳукумат қароргоҳида Тожикистон раҳбари билан учрашувдан бошланди. Унда Президентлар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Тожикистон Президентининг Душанбеда бунёд этилган янги қароргоҳида мезбон мамлакат ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда икки ва кўп томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Таъкидламоқ жоизки, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида янгича шаклда ташкил этилган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» демократик тузилмадир. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, у аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига таянган ҳолда кенг кўламли мулоқотлар ўтказиш, умумий муаммоларга келишув ва маслаҳатлар орқали умумий ечим топиш имконини яратди. Илгари Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти фаолияти фақат иқтисодиётга оид масалалар билан чекланган бўлса, унинг заминида тузилган янги ташкилот олдига барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мақсади қўйилган. Шу боис Душанбе саммитида кўп ва хилма-хил масалалар муҳокама этилди.

Аввало минтақамиз мамлакатларини бефарқ қолдирмайдиган Афғонистонда ҳали ечимини топмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Ислом Каримов таъкидлаганидек, Афғонистонда террор ўчоқлари яксон қилинди, лекин мамлакатда ҳамон наркотик моддалар муаммоси бартараф этилгани йўқ. Бундан ташқари, ҳали Афғонистонни қуролсизлантириш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда миллий армияни шакллантириш борасида кўп иш қилиниши керак.

Албатта, аксилтеррор операциясининг самараси ўларoқ Афғонистон тинч ҳаётга қадам қўя бошлади. Лекин мамлакат четдан келадиган ёрдамсиз оёққа туриб кета олмайди. Айни пайтда эса Афғонистонга ёрдам кўрсатиш борасида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида иш тутаётганини кузатиш мумкин. Президент Ислом Каримов қўшни юртга кўмаклашишда саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш таклифини илгари сурди.

Гап шундаки, Токио конференциясида донор давлатлар Афғонистонга катта миқдорда иқтисодий ва молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилган эди. Кўмаклашишни зиммасига олган мамлакатлар вакиллари аввал Президент Ҳомид Карзай билан келишиб, турли йўналишлар бўйича алоҳида дастурлар тузади. Шундан кейин пудратчига мурожаат қилади. Афғон заминига кириб борадиган асосий сармоя ва ёрдам эса Марказий Осиё минтақасидан ўтиши табиий. Минтақамизда қурилиш, қишлоқ хўжалиги, коммуникация, энергетика, хуллас, барча соҳалар бўйича улкан салоҳият мавжуд. Демак, Афғонистондаги лойиҳаларни келишилган ҳолда биргаликда амалга ошириш мумкин.

Хусусан, Ҳомид Карзай Ўзбекистон Президентига мактуб йўллаб, Афғонистондаги ўнта кўприкни тиклашда ёрдам сўраган. Ваҳоланки, қўшни ўлкада бажарилиши керак бўлган бундай ишлар анчагина. Уларни амалга ошириш ҳам Афғонистонга, ҳам минтақамиз мамлакатларига фойда келтиради. Президентимизнинг мазкур таклифи бир овоздан қўллаб-қувватланди ва саммитнинг якуний ҳужжатига алоҳида банд сифатида киритилди.

Бевосита иқтисодий соҳага келсак, президентлар интеграция жараёнларига тўсиқ бўлаётган омиллар хусусида суҳбатлашди. Келишувга биноан ҳукуматларга бу борадаги муаммоларни теран таҳлил этиш ва амалий ечим топиш вазифаси топширилди. Жумладан, савдо-сотиқни ривожлантириш учун божхона, чегара, солиқ каби соҳаларга оид масалалар кўриб чиқилиб, уларни ўзаро мувофиқлаштирувчи қарорлар чиқарилади.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» демократик тузилма, дедик. Ислом Каримов ташкилотнинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш учун минтақавий ҳамжамият доирасида қабул қилинган ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш ва иш бермаётганларини бекор этиш таклифини илгари сурди. Маълумотларга кўра, шу чоққача Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ва унинг меросхўри бўлмиш «Марказий Осиё ҳамкорлиги» доирасида жами 243 ҳужжат имзоланган. Саммит қатнашчилари уларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишга келишди.

Ҳукумат қароргоҳида президентларнинг учрашуви кенгайтирилган тартибда давом этди. Унда иқтисодий интеграция, транспорт коммуникациялари, ижтимоий, маданий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди. Келишувга биноан, ноябрь ойида Ўзбекистон пойтахтида минтақа миқёсидаги бизнес-форум ўтказилади. Йил охиригача эса яна Тошкентда ташкилотга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг йиғилиши ўтказиладиган бўлди.

Таъкидламоқ жоизки, «Марказий Осиё ҳамкорлиги»нинг самарадор ташкилот эканлигига ана шу икки анжумандан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бизнес-форум ишбилармонларнинг янгича руҳда, очиқча мулоқот қилишига имконият яратса, парламентлар вакилларининг учрашуви ташкилот ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади. Бир мисол, Ўзбекистон билан Қозоғистон яқинда давлат чегараларининг делимитацияси тўғрисида якуний ҳужжат қабул қилди. Музокараларда яқин кунларда бу ҳужжат икки мамлакат парламентлари томонидан ратификация қилиниши таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари минтақа давлатларининг барчасида ўзаро чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги таклифини илгари сурганида, саммит қатнашчилари уни якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Замонавий муносабатлар замон талабларига мос бўлмоғи керак. Давлатнинг мустақиллик рамзларидан бири чегарадир. Демак, ўзаро муносабатларда ана шу жиҳатга ҳам эътибор бериш керак. Бир-бирининг суверенитетини ҳурмат қилган мамлакатларгина том маънодаги манфаатли ҳамкорлик ўрнатиши мумкин.

(Давоми 2-бетда)

✧✧✧

**Суратда:** ташриф пайти.

■ **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## МДҲНИНГ КИШИНЁВ САММИТИ



**Кишинёв, 7 октябрь. ЎзА махсус мухбири Саидмурод Раҳимов хабар қилади.**

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) саммитида иштирок этиш учун Молдова пойтахтига келди.

Саммитнинг расмий қисми бугун бошланди. Эрталаб Ислом Каримов президентларнинг тор доирадаги учрашувида қатнашди. Мулоқот чоғида МДҲ органларининг фаолиятини такомиллаштириш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, Ҳамдўстлик доирасида ахборот макони ва эркин савдо зонаси яратиш, хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, терроризм, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш каби долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар халқаро сиёсатга доир масалалар борасида ҳам ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги ялпи йиғилишида мазкур масалаларнинг муҳокамаси давом эттирилди. Давлат раҳбарлари иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик масалаларига бағишлаб алоҳида учрашув ўтказишга келишиб олди. Юрий Яров уч йиллик муддатга МДҲ ижрочи котиби вазифасига тайинланди. Қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини қатъий назорат қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Ҳамдўстлик аксилтеррор марказининг Марказий Осиё бўйича бўлимини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Чегара соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш дастури, шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш борасида 2003-2004 йилларга мўлжалланган қўшма чора-тадбирларнинг давлатлараро дастури маъқулланди.

Музокаралар якунида МДҲга аъзо мамлакатларда қўшма аксилтеррор тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги протокол имзоланди. Наркотиклар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашдаги ҳамкорлик концепцияси тасдиқлангани ҳам маълум қилинди.

Шу билан МДҲнинг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

✧✧✧

**Суратда:** саммитдан лавҳа.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат**

## ИЖТИМОИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти қамраб олган соҳа ва йўналишлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотларда кечаётган ислоҳотлар самарадорлигини мунтазам ошира бориш пировардида халқимиз турмуш фаровонлиги юксалишига асос бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йил тўққиз ойи якунларига бағишланган йиғилиши кун тартибининг ўзиёқ мазкур соҳа нақадар кенг кўламга эга эканидан дарак беради.

Йиғилишда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифа ва масалаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармойишида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди, уларни амалга ошириш учун мажмуа тизимидаги вазирлик ва идоралар фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги уқтирилди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси, «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури бажарилишининг тўққиз ойлик якунлари, умумий ўрта таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичи ижроси, республикада дори-дармон таъминотининг аҳволи, матбуот ва ахборот соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мажмуа тизимида кузги-қишки мавсумга тайёргарликнинг бориши билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинди.

Унда сўзга чиққан вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўз йўналишларида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди. Йиғилиш иштирокчилари муҳокамага қўйилган ҳар бир масала, ечимини кутаётган муаммо тўғрисида, айниқса, республикадаги мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражаси, ўқув даргоҳларини кузги-қишки мавсумга пухта тайёрлаш, дори-дармон таъминотида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, маърифий ва мафкуравий соҳада олиб борилаётган тарғибот ишлари таъсирчанлигини янада ошириш борасидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарган мазкур йиғилишда муҳокама этилган масалалар ечими юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

■ **(ЎзА)**

## ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС СЕССИЯСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Жўқорғи Кенгес депутатлари, Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Сессияни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов бошқарди.

Сессия кун тартибида шаҳар қурилиши ва давлат мукофотлари тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари, бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган депутатлар ваколатларини тасдиқлаш, шунингдек, Жўқорғи Кенгес қўмиталари таркибига ўзгартишлар киритиш, айрим судларнинг ваколатлари, Жўқорғи Кенгес Раёсати қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. А.Тожиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси лавозимидан озод этилди. Тўрткўл тумани ҳокими вазифасида ишлаб келган Турсунбой Тлеубоевич Тангирбергенов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси этиб тасдиқланди.

Сессия муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Сессияда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари У.Исмоилов қатнашди.

■ **(ЎзА)**

ТАҲЛИЛ, ҚИЁС ВА МУЛОҲАЗА

## СОЛИҚ СИЁСАТИ: ТАКОМИЛ ДАСТУР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

### ЁХУД ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИ ХУСУСИДА

**(Биринчи мақола)**

Президентимиз шу йил 29 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида давлатимизнинг устувор йўналишларига тўхталиб ўтиб: **«Кучли давлатдан кучли жамият сари»** деган шиорни яна бир бор олдимизга қўйдилар. Кучли жамиятга ўтишда эса биринчи навбатда кучли давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улар билан халқаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш табиий зарурат эканлигини таъкидладилар.

**Хўш, халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми қандай бўлиши керак?**

Солиқ турларини, солиқ ставкаларини, божларни, божхона тўловларини татбиқ қилиш ва айрим товарларнинг экспорт ҳамда импортига чек қўйиш, икки ёқлама солиққа тортиш жараёнини енгиллаштириш каби тадбирлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ёки сусайишини таъминлайди. Давлат миқёсида олиб борилаётган солиқ сиёсатининг ядроси ҳам аслида солиқ механизми ёрдамида иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатишдан иборат.

Президентимиз ҳар гал солиқ ходимларидан ва давлат мутахассисларидан солиқ тўловчиларга солиқнинг моҳияти ва мақсадини содда қилиб тушунтириб берилишини қайта-қайта таъкидлайдилар. Дарвоқе, солиқ тизимимиз қанчалик яхши ва мураккаб бўлмасин, жаҳон андозаларига жавоб бериши учун уни тобора такомиллаштириб, одамларга халқона тилда тушунтириб беришимиз зарур, албатта. Бу, ҳар йили солиқ турлари ва солиқ олиш усулларини ўзгартириб бориш керак, дегани эмас. Ҳолбуки, бизнесмен ва тадбиркорлар учун ҳар қандай ўзгариш самара беравермайди, чунки уларнинг «бизнес-режаси» узоқ муддатга мўлжалланган бўлади. Биз ҳам малакали мутахассислар ва олимлардан иборат махсус «солиқ экспертлари» гуруҳлари тузиб, уларнинг таклифига кўра Олий Мажлис томонидан мавжуд кодексларимизга (эҳтиёткорлик билан, албатта) ўзгартиришлар киритилса, самарали бўлар эди, деган фикрдамиз. Зеро, солиққа тортиш усули ва ставкаларини тез-тез ўзгартириш солиқ тизими натижадорлигини пасайтириши шубҳасиз.

Ҳозир мамлакатимизда солиқ оғирлигини камайтириш жараёни давом этаяпти ва янги 2002 йилга солиқ ставкалари камайтирилган. Масалан, қўшилган қиймат солиғи, мулк солиғи, даромад солиғининг ставкалари камайтирилганлиги ҳисобига солиқ оғирлиги янада камаяди. Бу — давлатимизнинг солиқ соҳасини либераллаштириш сиёсатининг ифодасидир.

Давлат миқёсида иқтисодий ўсишни белгиловчи механизмлардан бири — иқтисодий фаолиятни солиққа тортиш жараёни ҳисобланади. Солиқ тўлаш — фаолиятдан олаётган даромаддан кўп бўлса, бу соҳа секин-аста тўхтай бошлайди. Тескариси бўлса, соҳа ривожланади. Бу механизм давлат томонидан бошқарилади ва бинобарин солиққа тортиш жараёни ҳар бир соҳа тараққиётига ёрдам беради.

(Давоми 3-бетда)

## «UZKOJE» «ЎЗДЭУАВТО»ГА ЭЛЕКТР СИМЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИ



**Хонобод шаҳрида «Uzkoje» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси иш бошлади. Бу билан «ЎзДЭУавто» заводига бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналар сони яна биттага кўпайди.**

**«Ўзавтосаноат» ҳамда «Коje» индастри Ко ЛТД» ва И-РАЕ (Жанубий Корея) компаниялари ҳамкорлигида барпо этилган ушбу корхона йилига 160 минг комплект электр симларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. «Uzkoje» маҳсулотлари нафақат автомобиллар, балки юртимизда ишлаб чиқариладиган бошқа транспортлар учун ҳам мўлжалланган.**

**Янги қўшма корхонада асосан ёшлар меҳнат қилишяпти, уларнинг аксарияти Жанубий Кореяда малака ошириб келган. «Uzkoje»нинг маҳсулотлари «ЎзДЭУавто» автомобилларининг таннархини пасайтиришга хизмат қилади. Сентябрь ойида 300 комплект электр симлари ишлаб чиқарилади.**

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

*Суратларда:* қўшма корхона ишчиси Муҳаббатхон Каримова; ишлаб чиқариш менежери Сергей Хегай ва оператор Малоҳатхон Усмоновалар.




■ **Аъзамжон ҚОДИРОВ олган суратлар**

# ТАДБИР БЎЛСА...

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ САЛМОҒИ ТОБОРА ОШАЁТГАНИ ҲАҚИДА

У одамларнинг кўнглига йўл топди, илғор тажрибаларни қўллаб-қувватлади.

— Ҳамжиҳатликда гап кўп экан, — дейди у. — Шунинг учун ҳам давлатга 1362 тонна ўрнига 1800 тонна ғалла топширдик. — Аммо одамларимизни ҳам эсдан чиқармадик. Жумладан, 600 тонна ғаллани ижарачиларимизга натура сифатида тарқатдик. Кам таъминланган, ночор оилаларга 15 тонна буғдой бердик. Иш ҳақини имкон бўлди дегунча тўлаб борамиз. Ғалладан яхшигина соф фойда олганмиз. Бундан мақсадли фойдаланишимиз зарур. Чунончи, 10 миллион сўмга техникалар учун эҳтиёт қисмлар олдик. Ночор оилаларнинг болаларига дарсликлар олиб берилди. Хўжалигимиз ҳудудидаги жаҳон тиллари лицейига телефон ўрнатилди. Яқин орада хўжаликда истиқомат қилувчи 55 нафар қария зиёратгоҳга бориб келади. Тўғри, бу нарсалар майда-чуйдадек туюлиши мумкин. Аммо барча катта тадбирлар майда нарсалардан бошланади. Нима бўлганда ҳам ижарачиликда гап кўп экан. Шулар боис хўжалик шунча ютуқларни қўлга киритаяпти. Айтгандай, «Шуҳрат» медали соҳиби, 73 ёшли Ашир Мейлиев ҳам шу хўжаликда меҳнат қилади. У киши билан бир учрашиб, суҳбат қилсангиз, афсус қилмайсизлар.

### ДЕҲҚОН ФАЛСАФАСИ

Ашир Мейлиев яшайдиган шийпонга етиб келдик. Ўзи ҳам шийпонмисан, шийпон экан. Икки қаватли, ичида барча шароитлар бор. Яхшигина таъмирланган. Ашир бува билан ташқарида, сўрида ўтириб гурунглашдик.

Зимдан кузатдик. Юзу кўзларидан нур балқийди. Соғлом, тетик. Кўрган киши Ашир бувани 73 да эмас, нари борса 55 ёшда, деб ўйлайди.

— 15 ёшимдан далада ишлайман, — дейди Ашир бува. — Турли сабабларга кўра, даладан узилган вақтларим касал бўлиб қолганман. Шу дала менинг соғлигим, бойлигим, ризқим. Тўғриси, ерни севаман.

— Бир жойда, худди сиздек бир деҳқон «ернинг дили оғрийди», деган гапни айтди. Шу тўғрими? Бу нима дегани ўзи?

— Жуда тўғри-да, отасига раҳмат ўша айтганнинг. Кўп ҳолларда ерни оч қолдирамиз, парвариш қилмаймиз. Ўз вақтида шудгор қилиб, суғориб, керакли ўғитлар бериб турилса, ер ҳам сизга нимадир беради, сизни боқади. Керакли тадбирларни ўз вақтида амалга оширмасдан, ердан юқори ҳосил кутиш ноинсофлик. Мана, менинг 8 ўғил, 5 қизим бор. Ҳаммаси далада ишлайди, тер тўкади. Турмуши ҳам яхши, чиройли. Нимаики орзу-ҳаваслари бўлса — шу ернинг орқасидан эришаяптилар.

Ашир бува ўз ишини яхши билади, унга ўргатиш шарт эмас. Муаммолар туғилганда ҳам у унча-мунчага «катталар» олдига бормайди. Барча масалаларни ўзи ҳал қилади. 40 гектар ердан 45 центнердан ҳосил олаяпти. Ўтган йил қурғоқчилик ва табиий офат шароитида ҳам 10 гектар ерни битта артезиан қудуқ сувида суғориб, 40 центнердан ҳосил олган Ашир бува бўлади. Бу ҳам қизиқ бўлган: 2001 йилнинг апрель ойи охирларида табиий офат — дўл ёққанини ғузорликлар яхши эслашади. Экин-тикин тугул, юзлаб чорвага қирғин келтирди бу офат! Меҳнат қилган киши меҳнатнинг қадрини яхши биларкан. Унча-мунча заҳматлару машаққатларни бошидан кечирган Ашир деҳқон кўкариб қолган, лекин дўлнинг «каромати» билан ер билан битта бўлиб ётган ғўзаларни кафтларида тутганча йиғлади, ачинди... Эртасига вилоят раҳбарларидан бири келди. Далаларни обдон кўздан кечирар экан, Ашир бувага амр этгандек бўлди:

— Шудгор қилинг, қайта экасиз!

Нима қилиш кераклигини Ашир буванинг ўзи ўйлаб қўйган эди. Шунинг учун «катта»нинг буйруғи ортиқчадек туюлди.

— Йў-ўқ шудгор қилмайман, — деди у қатъий.

— Ўйлаб гапираяпсизми, айтганни қилинг!

— Ҳали далада тирик, ора-чорада кўкариб турган ғўзалар бор. Шудгор қилсак, булар увол бўлади, шу туришда ҳам қайта экса бўлади.

— Бўпти, лекин биз ўйлаган натижа бўлмаса, ўзингиздан ўпкалайсиз...

Хуллас, 2 май куни шудгор қилинмасдан қайта чигит экилади. Ашир бува қайта қадаган чигитлар бехато униб чиқди, ўз вақтида бўй чўзди ва оқибат чаноқлар оппоқ бўлиб очилди. Ўша жойдан 40 центнердан ҳосил олинди...

### ИШСИЗЛИК ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

Аҳоли турмуш даражасини кўтаришда аввало, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни жадал суръатда ривожлантиришни рағбатлантирадиган давлат сиёсатини амалга ошириш орқали эришилади. Айниқса, туманда ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини иш билан таъминлашда бу муҳим омил ҳисобланади.

2002 йилнинг 1 январь ҳолатида рўйхатга олинган жами кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони 884 тани ташкил этган бўлса, 1 июль ҳолатида бу кўрсаткич яна 233 тага кўпайди. Шундан 34 тасини ўрта корхоналар, 67 тасини кичик корхоналар, 1014 тасини эса микрофирмалар ташкил этмоқда. Шу муддатда 377 фермер хўжалиги яна 170 тага кўпайди. Қашқадарё вилояти ҳокимининг фармойишига асосан, туманнинг тоғ ва тоғ олди ҳамда лалмикор ҳудудларида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида 600 та юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжаликлари ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ҳа, туманда кичик ва ўрта бизнес ишлари яхши йўлга қўйилган. Чунончи, «Озод-РА» корхонаси эластик резина ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган бўлса, ҳунарманд Венера Фарахуддинова болалар учун ҳар хил ўйинчоқ ва ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқараяпти.

— «Пачкамар» ширкат хўжалигида доломит тошини қайта ишлаш бўйича чет эл инвестицияси иштирокида қўшма корхона ташкил этиш мўлжалланган, — дейди туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Бахтиёр Мақсадов. — «Эл ҳақи» очиқ ҳиссадорлик жамияти эса бир кеча-кундузда 150 тонна буғдойни қайта ишлайдиган тегирмон ускунаси олиб келиб ўрнатиш бўйича Германиянинг «Бюлер» фирмаси билан шартнома имзолаган. Ҳозирда барча ҳужжатлар тайёрланиб, молиялаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда. «Сов боғ» масъулияти чекланган жамият Россиянинг Рубцовский шаҳридаги «Жилдорскаб» ёпиқ ҳиссадорлик жамияти билан пахта чиқиндиларидан нотўқима материал ва пахта момиғи ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш учун ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, назарда тутилган тадбирлар ва режага кўра ташкил этилиши лозим бўлган иш ўринлари ҳам қанчадан-қанча?! Тез орада буларнинг ҳеч бўлмаганда 60 фоизи амалга ошиши тайин.

## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

### МАЪРИФАТ ДАРГОҲЛАРИДА...

Мактаблар зиё манзили, маърифат бешиги ҳисобланади. Туманда 105 та ўрта, 12 та таянч мактаблари бор. Бу ўқув даргоҳларида ўқув ишларини яхши олиб бориш учун имкон қадар тадбирлар амалга оширилаяпти. Жумладан, янги ўқув йилида 500 дона янги парта, 42 дона доска сотиб олинди. Тумандаги хўжалик ва ташкилотлар томонидан олиб берилган дарсликлар 6 миллион сўмни, ота-оналар томонидан олинган дарсликлар эса 3,5 миллион сўмни ташкил этди.

Мактабларда олиб борилаётган ўқув ишлари, жумладан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури босқичма-босқич амалга оширилаётгани кўзга яққол ташланади. Хусусан, тумандаги 1-мактаб ва Жаҳон тиллари лицей-мактаб интернатидаги ўқув жараёнлари, таълим-тарбия услублари ўзига хос равишда олиб борилмоқда. Бу мактабларнинг «Энг яхши мактаб» вилоят танловига тавсия этилиши ҳам бежиз эмас. Қувонарлиси, жорий йилда мазкур мактабни тугатганларнинг барчаси олий ўқув юртларига киришга сазовор бўлишди. Бу камдан-кам учрайдиган муваффақият. Барчамизнинг умидимиз шу ёшларда. Улар бизнинг эртамиз. Эртага уларнинг аксарияти ўзлари туғилиб ўсган юртлари — Ғузорнинг истиқболи ва ёруғ келажаги, одамларининг фаровон яшаши учун хизмат қиладилар, чинакамига элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган фарзандлар бўлиб улғаядилар.

■ **Илҳом КАРОМОВ, Маъмуржон ҚИЁМОВ**

## КЕЧА ХАЛҚАРО МЕЪМОРЛАР КУНИ НИШОНЛАНДИ

# ШАҲАРСОЗЛИКДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Халқаро архитекторлар куни мамлакатимизда муносиб нишонланди. Бу кун Сан-Франциско шаҳрида Халқаро архитекторлар уюшмасининг 63-сессиясида тасдиқланган. Ҳозир бу сана Халқаро архитекторлар уюшмасига (ХАУ) аъзо бўлган мамлакатларда, хусусан, Америка, Англия, Австралия, Япония, Африка ва Осиё давлатларида байрам сифатида нишонланади. Шу йилнинг июль ойида Берлин шаҳрида ўтган ХАУнинг навбатдаги ассамблеясида Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси ана шу нуфузли ташкилотга аъзо қилингани меъморларимизни қувонтирди. Боиси, Халқаро архитекторлар уюшмаси БМТ ва ЮНЕСКОнинг ноҳукумат ташкилоти ҳисобланиб, қарийб 89 мамлакатнинг архитекторларини жамлаб турибди.

Мустақилликнинг 11 йиллиги муносабати билан фойдаланишга топширилган саноат корхоналари, янги йўллар, кўприклар, меъморий мажмуалар, йирик бинолар, спорт ва тиббиёт иншоотларининг тикланишида архитекторларимизнинг хизматлари катта. «2001-2002 йилларда архитектура ва қурилиш» танловининг ўтказилиши меъморларимиз учун ўзига хос кўрик бўлди. Республика архитекторлар уюшмаси кўргазмалар залида меъморлар, лойиҳачилар ва институт ходимларининг энг сара ишлари намойиш этилди. Танлов ҳайъатининг талабига кўра, энг яхши лойиҳа, энг яхши қурилган бино ҳамда энг яхши монография архитекторлар уюшмасининг «Гран-При» мукофоти билан тақдирланадиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, меъморларимиз халқаро архитекторлар билан ҳамнафас ҳолда азалий анъаналаримизга хос ижод қилмоқдалар.

■ **Тўлқиной ҚОДИРОВА, Республикада хизмат кўрсатган архитектор**

## ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

# ТИНИҚ НИЯТЛАР ВА АСЛ МАҚСАДЛАР САЪЙ-ҲАРАКАТИ

1 октябрь куни маърифатпарвар халқимиз «отадек азиз» деб эъзозлагувчи энг улуғ ва энг шарафли касб эгалари — ўқитувчи ва мураббийларни бошларига кўтаргудек иззат-икром билан қутлади.

— **Бу қутлуғ кунни,** — деди Юртбошимиз уларга юборган табрик хатида, — **биз доимо зўр ҳаяжон билан, ҳар биримизга сабоқ берган, ҳаёт илмини ўргатган фидойи муаллим ва мураббийларимизга чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан нишонлаймиз...**

Боисини биласиз. Давлатимиз раҳбари таърифлаганидек, эл-юрт улар тимсолида жондан ширин дилбандларимизга нафақат таълим бергувчи, қалбларга она-Ватан меҳрини ҳам сингдирувчи, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбияловчи энг олижаноб зотларни кўради. Айни шу маънода, 1 октябрь ҳар йили мамлакатимизда (Ҳа, дунёда фақат бизнинг мамлакатимизда!) ўқитувчилар ва мураббийларнигина шодиёна касб байрами эмас, балки бутун халқимиз нишонлайдиган азиз ва мўътабар айёмга айланган. Чунки, ўзидан каттага ҳурмат ва ҳаётда тўғри йўл кўрсатган устозга меҳр билан жавоб бериш — халқимизнинг азалий одати, фазилатидир.

Байрам тантаналарига ҳамоҳанг уланиб кетган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилганлигининг 10 йиллик тўйи нафақат бу нуфузли олий ўқув даргоҳи ҳаётида, балки мустақил республикамиз маънавий-маърифий ҳаётида ҳам катта воқеадир. Таъбир жоиз бўлса, университет ватанимизнинг қадимий ва бой маданиятини, халқимизнинг гўзал фазилатлари ва анъаналарини, юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни халқаро майдонда намоён этишга, миллий манфаатларимизни ҳар жабҳада ҳимоя қилишга қодир кадрларни тарбиялаш борасида катта мазмун касб этмоқда. У қисқа вақт ичида мамлакатимиз учун мутлақо янги соҳалар — давлатлараро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ ва дипломатия йўналишлари бўйича минглаб юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бериш даражасига чиқа олди.

Андижон вилояти пахтакорларининг меҳнат ғалабаси ҳаммамизни қувонтирди. Лафзи ҳалол, танти ва тадбиркор андижонликлар 310 минг тонналик шартномавий режаларини мамлакатда бу гал ҳам биринчи бўлиб уддалашди. Бу — ғоят катта ва салмоқли ютуқ! Улар уйган улкан «оқ олтин» хирмони тикланиши осон кечмади. Йил бўйи давом этган ноқулай иқлим шароитини эсланг: кўкламги ёғингарчиликлар, дўл, сел, жала, ерга қайта-қайта уруғ қадаш, экин ривожини қайтариб кетган совуқ шамоллар, ёзги жазирама, саратон гармселлари...

Давлатимиз раҳбари уларга йўллаган табрик шу меҳнат, шу шижоатга берилган юксак баҳодир.

Ўқиган бўлсангиз, ўтган ҳафта чоп этилган газеталарда «Тошкент уч юзта автобус олади» сарлавҳали мақола босилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Даймлер Крайслер АГ» концерни бошқаруви аъзоси, Шарқий Европа, Болтиқ бўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича Германия иқтисодиёти қўмитаси раҳбари Клаус Юрген Мангольдни қабул қилгани, у бошлиқ делегация мамлакатимизда бир неча кун меҳмон бўлгани, Ўзбекистон билан мазкур концерн ўртасида истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар, иқтисодий дастурлар юзасидан фикрлар алмашилгани ҳақида батафсил ҳикоя қилинганди.

1992-1995 йилларда пойтахтимиз аҳолисининг узоғини яқин қилиш учун 200 та йўловчи автобуси етказиб берган концерн жамоаси келгуси йилнинг баҳор ойларига қадар юртимизга яна 300 та янги автобуслар сотиш режалари борлигини маълум қилди. Айни пайтда Ўзбекистон ҳаво флоти тизими фаолиятини такомиллаштиришда ҳам иштирок этиш ниятлари борлигини билдирдилар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳамма соҳалар каби республика ҳаво йўли транспорти ва унинг хизмат кўрсатиш тизимларида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Масалан, марказий ҳаво дарвозамиз — «Тошкент» халқаро аэропорти тамомила ўзгача қиёфа касб этди. Аэровокзал тубдан янгиланди. Умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа ишлари бекам-кўст бажарилди. 30 минг квадрат метр майдон сифатли таъмирдан чиқди. Хизмат кўрсатиш шаҳобчалари энг ривожланган дунё мамлакатлари андозаларга мослаштирилди.

3 октябрь куни Президентимиз бу ерга ташриф буюриб, 1998 йилдан бўён амалга оширилган лойиҳалар ижросини кўздан кечирди. Қилинган саъй-ҳаракатлар ва бажарилган ишлар билан танишиб, ҳали адо этилиши шарт бўлган бошқа қатор юмушлар тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган ҳафта давомида юз берган воқеалар замирида — эл-юрт фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталиги, турмуш тарзини босқичма-босқич яхшилаб боришдек ёрқин орзулар, тиниқ ниятлар, асл мақсадлар мужассам.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

## СОЛИҚ СИЁСАТИ:

## ТАҲЛИЛ, ҚИЁС ВА МУЛОҲАЗА

# ТАКОМИЛ ДАСТУР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

## ЁХУД ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИ ХУСУСИДА



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Республикамиз давлат бюджетининг 2001 йил ижроси кўрсаткичлари мисолида даромадлар бўйича рақамларга назар ташланг: 2001 йил даромадлар режаси 1254,8 миллиард сўм миқдорида белгиланган эди. Бюджетга эса 1266,9 миллиард сўм маблағ тушди.

Корхоналар даромади (фойдаси)га солинадиган солиқ ставкасининг 31 фоиздан 26 фоизгача ва аҳоли даромадларидан олинадиган солиқнинг энг юқори ставкаси пасайтирилишига қарамасдан, ҳисобот йилида давлат бюджетига даромадлар тушумининг барқарорлиги сақланди ҳамда даромад манбалари бўйича тушумларнинг нисбатан кўпайиши ҳам кузатилди.

Бюджет даромадларининг солиқ турлари бўйича тушумларининг нисбатан кўпайиши 2001 йилдан эътиборан кузатила бошланди. Бюджет даромадларининг солиқ турлари бўйича таркибида ҳам муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, бевосита солиқлар бўйича тушумлар жами бюджет даромадларининг 28,5 фоизини ёки 360,6 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича тушумлар 143,3 миллиард сўмга етиб, бу бевосита солиқ тушумларининг 39,7 фоизини ташкил этган бўлса, жисмоний шахслар даромадига солинган солиқ тушумлари эса 26,7 миллиард сўмга (7,4 фоиз) тенг бўлди.

Шу билан бирга, солиқ ставкасининг пасайиши сабабли юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг давлат бюджети жами даромадларидаги улуши тобора камайиб бормоқда. Айтайлик, 1999 йилда ушбу кўрсаткич 15,2 фоиз бўлган бўлса, 2000 йилда 12,8 фоизни ва 2001 йилда эса 11,3 фоизни ташкил этди. Айни чоғда кичик корхоналар учун ягона солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ва тадбиркорлик фаолияти бўйича шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича тушумларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Мазкур ўсиш суръатлари кичик корхоналар ва умуман, тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривожланиши ҳамда иш ҳақи миқдорларининг ошиши натижасида юз бермоқда.

2001 йилда давлат бюджетининг харажатлари 1313,8 миллиард сўмни ёки режага нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилди. Айниқса, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари энг катта улушга эга бўлди. Хусусан, ижтимоий соҳа муассасалари фаолиятини молиялаштириш харажатлари 498,5 миллиард сўм (37,9 фоиз)ни ташкил этди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар эса 100,8 миллиард сўмга етди.

2001 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар режаси ошириб бажарилди. Бу кўрсаткич 557,5 миллиард сўм ўрнига 573,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари эса 726,1 миллиард сўмга етди. Бунинг 513,2 миллиард сўми ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилди. Шунингдек, давлат бюджетида маориф (88,2 фоизи), соғлиқни сақлаш (87,1 фоиз) ва капитал қўйилмалар (57,6 фоиз) учун кўзда тутилган жами маблағларнинг катта қисми маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилди.

Шу ўринда мулоҳаза сифатида юқоридаги қиёсий таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш жоиз, эндиликда ҳар бир солиқчига солиқ моҳиятини тушунтириш, етказиш мақсадида солиқ инспекциялари солиқ тўловчиларни махсус дастурлар асосида ўқитишлари зарурлиги билан бирга, доимий дастурга мактабларда «Солиқ турлари» фанини 8-синфларнинг (камида 20 соатли маъруза билан) ўқув дастурларига киритиш катта ёрдам берган бўларди, деб ўйлаймиз. Масалан, АҚШ, Англия, Канада, Австралия каби мамлакатларнинг солиқ дастурларида бу жараён кўп йиллардан бери амалга оширилаяпти. Россияликлар ҳам «Зачем платят налоги» деган дарслик бўйича 1997 йилдан бошлаб мактабларда дарс ўта бошладилар.

Собиқ иттифоқ йиллари мамлакатимизда солиқ фани ривожи депсиниш даврини бошидан кечирди. Марксистик назария бўйича ривожланган социализмда давлат бюджети фойданинг нормативдан ортган қисми билан тўлдирилиб, солиқ билимига назарий ва амалий билимлар киритилмади. Бу эса солиқ фанининг анча орқада қолишига ва Ўзбекистонда бундан 100-200 йил олдин солиқ ҳақида мавжуд бўлган билимларнинг ҳам унутилишига сабаб бўлди.

Ҳозир ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтаётган ёш давлатимизда солиқлар моҳиятини ҳамма бирдек билиши шарт. Чунки, солиққа тортишнинг асосий илмий тамойилларидан бири: **«ҳамма солиқ тўлаши керак, чунки солиқ ҳисобидан бериладиган социал хизматлардан ҳамма баравар фойдаланади».**

2002 йилга мўлжалланган давлат бюджетида Қуролли Кучларни ривожлантириш харажатлари ва унинг салмоғи умумий харажат бўйича тушган даромадлар ҳамда давлат бюджетининг айрим сарфларини камайтириш ҳисобига белгиланган. Шу сабабли, солиқ тушумининг кўпайиши, айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ўсишга, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги даражасининг ошишига, республикамиз хомашёларидан жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарилишига ёрдам берувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу йўналишлар, фикримизча, узоқ муддатга мўлжалланган дастурга кўра олиб борилиши керак.

Солиқларни рағбатлантиришни ривожлантириш учун прогрессив (ўсувчан) имтиёзлардан фойдаланиш, солиқ инспекторларига қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ижтимоий солиқларни жорий қилиб, солиқ олинмайдиган минимумни оптималлаштириш ва аҳолининг пул даромадларини ошириш тадбирларини ҳам кўриш лозим.

Яна бир мулоҳаза: ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга солиқ олинмайдиган минимум даромадларни жорий қилиш кўп давлатларда самарали тадбир бўлиб чиқаяпти. Бу дастурни мол-мулк солиғи ва иш ҳақига ҳам татбиқ қилиш мумкин. Натижада солиқ оғирлиги камайиб, иқтисодий ўсиш рағбатлантирилади ва солиқ тушуми кўпаяди. Албатта, бу тадбирларни амалиётга татбиқ қилиш учун махсус Давлат Концепцияси ишлаб чиқилиши керак бўлади. Солиқ сиёсати Концепцияси давлат миқёсида 5-10 йилга мўлжалланган бўлиши ва ўз ичига солиққа тортишнинг аниқ усулларини таъминлаш тадбирларини олиши зарур.

■ **Тозабек ТОШМУРОДОВ, республика Солиқ ва божхона Академиясининг халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор**

### МУДОФААНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Бирлашган Араб Амирликлари Россиянинг «Алмаз-Антей» концерни билан ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимининг янги авлодини ишлаб чиқиш учун 4 миллиард АҚШ доллари қийматидаги битимни имзолаш ниятида. У мудофаанинг принцип жиҳатидан янги кўп жабҳали тизими ҳисобланади. Янги тизим таркибига ўт очиш ва локация, бошқарув, алоқа, шунингдек, радиоэлектрон кураш воситалари киради.

### ИРҚИЙ КАМСИТИШДА АЙБЛАНДИ

Жаҳондаги энг машҳур кабарелардан бири – Мулен-Руж менежерлари ирқий камситишда айбланиб, иши судга оширилди. Сенегаллик Абдулла Марега Мулен-Ружга официант бўлиб ишга кирмоқчи бўлганида, рад жавобини олган. Сенинг ўрнинг ошхонада, деб жавоб беришган. Мазкур иш бўйича ҳукм 22 ноябрда чиқарилади.



ХИТОЙ: ПЛАЗА МЕҲМОНХОНАСИ

### ЯМАН СОҲИЛЛАРИДАГИ ПОРТЛАШ

Яманнинг Аш-Шиҳр порти акваториясидан 3 миль нарида портлаган танкер эгалари портлаш портловчи моддалар ортган кичик кема билан тўқнашув натижасида рўй берди, деган фикрда. Экипаж аъзоларидан бири танкерга яқинлашаётган қайиқни кўрган. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, портлаш рўй берган. Ҳозирги вақтда танкернинг ёниши давом этмоқда. Яман соҳил хизматларида бундай кўламдаги ёнғинни ўчириш учун етарли қувват йўқ. Зеро, танкерда 397 минг баррел нефть бор эди. Экипажнинг 26 нафар аъзосидан 25 тасини қутқаришга муваффақ бўлинди. Бир киши бедарак кетган, деб ҳисобланмоқда.

### УЧ ЙИЛГА ҲУКМ ЭТИЛДИ

Ўтган йили АҚШда ҳибсга олинган россиялик Василий Горшков 3 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Шунингдек, у 690 минг доллар миқдоридаги зарарни ҳам қоплаши лозим. Маълумки, ўтган йили Горшков ва унинг ҳамтовоғи Алексей Иванов федерал тергов бюроси томонидан Америка турли компанияларининг компьютер тармоқларига бузиб кирганликда айбланиб, ҳибсга олинган эди. Алексей Иванов устидан суд жараёни алоҳида ўтади. Август ойидаги суд мажлисларидан бирида у айбдор эканлигини тан олган.

### «ФОРД» СОТУВИ БОШЛАНДИ

Форд компаниясининг Россиядаги бўлими Россияда йиғилган «Ford Focus» автомобилларининг сотуви бошланганлигини расмий маълум қилди. Мазкур русумдаги автомобиллар Всеволожскдаги янги заводда ишлаб чиқила бошланган. Айни кезда компания вакиллари муддатли кредитлашнинг (30 ойлик) янги дастурини ҳам эълон қилдилар.

### ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТГА ДАЪВАТ

Президент Буш ўзининг миллатга қарата ҳафталик радио мурожаатида Ироқ билан уруш муқаррар, деб айтган. Reutersнинг маълум қилишича, Жорж Буш конгресс аъзоларини жанговар операция зарурлигига ишонтиришга ҳаракат қилган. Бушнинг амин бўлишича, Ироқ тузумининг Америкага қилаётган хавфи наинки аниқ, балки кун сайин ортмоқда. «Шу муносабат билан ҳар қандай сусткашлик, қатъиятсизлик ва ҳаракатсизлик Америка учун ҳалокатлидир», деди президент.

«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ СОҲИБЛАРИ

# ИЛМ ОЛАМИДА БИР ЮЛДУЗ ЭДИ...



У шеъриятни, мусиқани севарди, қўшиқ шайдоси эди. Фирдавсий, Умар Ҳайём, Фузулий ва Навоий ғазаллари, достонларини кўп ўқиган, шеърият мулкининг буюк даҳоларининг ғазаллари, тўртликлари, рубоийларини дўстлар даврасида завқ билан ёддан ўқиб берарди.

Биз қаламга олаётган олижаноб инсон ёзувчи ё санъаткор эмас, балки машҳур олим, физика-математика фанлари доктори, академик Саъди Ҳасанович Сирожиддиновдир. Зеро, биз уни жуда яхши билардик, унинг ақл-заковати, улуғ инсонлиги учун беҳад икромлардик, ҳурмат-эътиқодимиз чексиз эди.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, етмишинчи йиллар бўлса керак, ўшанда Саъди Ҳасанович Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти бўлиб ишларди. Нима бўлдию, дам олиш кунларидан бирида Сирдарё яқинидаги қўриқхонага овга чиқадиган бўлиб қолдик. Бу тадбирнинг асосий ташаббускори олимнинг азиз ва меҳрибон акаси, ҳарбий саркарда, генерал-майор Бурҳон Ҳасанович Сирожиддинов бўлган эдилар. Ака-уканинг бир-бирига самимий дўстлиги, ҳурмати, икковларининг ҳам ички дунёсининг гўзаллиги мени ҳайратга солар, тўғриси, уларга ҳавасим келар, шундай ажойиб обрў-эътиборли ўзбек ўғлонлари билан дўст бўлганимдан фахрланардим.

Хуллас, овлоққа етиб бордик. Ҳаммамизда қўшоғиз милтиқ, камар тўла ўқ, ов анжомларини айтмайсизми! Генерал барчасини муҳайё айлаганди. Гўё бутун паррандаю-даррандаларни қириб юборадигандек. Бора солиб, ишга тушиб кетдик. Отишга шай бўлиб, ёнма-ён кетаяпмиз, ўзимиз ҳам билмай жуда кўп масофани босиб қўйибмиз. Чарчадик, бу сўнгсиз чакалакзорлардан бахтимизга тустовуқ тугул, чумчуқ ҳам учмади. Тушга яқин қўриқхонага қайтдик. Бошловчи егер: «Милтиқларингизни машинада қолдиринглар...» деб қолди. Сой бўйидаги сўлим бир оромгоҳга биз учун жой қилинган экан. Зафарон фасли бўлганлиги боис сой суви, сунбула тушган эмасми, ойнадек тиниқ, қарасангиз таги кўринади. Умуман, гўзал бир манзара.

Дастурхон тузалиб, мева-чевалар қўйилаётган эди, шу вақт бир қизиқ воқеа рўй бердики, буни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Қарасак, сувнинг нариги қирғоғидаги ўрмондан бирин-кетин тустовуқлар чиқиб, сув ича бошладилар. Худди «Минг бир кеча» эртакларидагидек. Бунақаси камдан-кам бўлади. Улар бир сайрашар, бир-бирлари билан ўйнашарди. Гўё жаннат қушлари дейсиз.

— Милтиқ қани, тезда олиб келинглар, — деб қолди Бурҳон Ҳасанович.

«Нима қилса ҳам ҳарбий одамда, шу ерга милтиқ лозимми» деб хаёлимдан ўтказаман. Кейин билсам, генерал бу ерда илгарилари ҳам бўлган, ўша тустовуқларнинг худди шу вақтда ўрмондан чиқиб сув ичишини ҳам биларкан. Милтиқларни атайин машинага ташлатиб қўйган ҳам шу олижаноб, кўнгилчан инсон экан.

— Йўқ, керак эмас, табиатнинг бу ноёб қушларини томоша қилишнинг ўзи кишига завқ-шавқ бағишлайди. Кўриб кўзларингиз қувонади. Ов қилгандан ҳам гаштли бўлди. Анави рангдор хўрозини қаранг, жуда ҳам чиройли экан, макиёни бошқачароқ, лекин гўзал... Саъди Ҳасанович худди ёш болалардек завқланиб куларди.

Кейин:

— Қани, магнитафонни олинг, ҳалиги машинада қўйиб берган кассета қани, — деб қолдилар.

Магнитафон тугмасини босаман. Дилрабо куй, қўшиқ янграйди:

**Ғамзасин севдинг кўнгул, жонинг керакмазму сенго?**
**Тиға вердинг жисми урёнинг, керакмазму сенго?..**

**Эй камон обрў рақиба берма ғамзангдин насиб,**
**Ўқ отурсан тоша, пайконинг, керакмазму сенго?..**

Фузулий ҳазратларининг «Ғамзасин севдинг» деган машҳур ғазалига айтилган ўша дилрабо қўшиқ қашқадарёлик ажойиб хушовоз хонанда Тожиддин Муродов томонидан маромига етказиб ижро этилган эди. Дилбар қўшиқлар шайдоси бўлган олим уни қайта-қайта эшитиб, кейин ўзларининг магнитафонларига ёзиб олдилар.

— Ғазалнинг мазмунига бир эътибор беринг-а, қандай чиройли иборалар, нозик ўхшатишлар. Ҳазрат Фузулий битибдиларку, Тожиддин Муродов айтибди, қани энди шоир қайта туғилсаю, шу қўшиқни қашқадарёлик хонанда ижросида эшитса, — деди аллома завқланиб кетиб.

Кейинчалик Саъди Ҳасанович билан бирор жойда учрашиб қолсам: «Ғамзасин севдинг кўнгул...» деб ўша қўшиқни эслаб қўярдилар. Ҳа, ўша овлоқ ерлар, сўлим сой, жаннати қушлар, қўшиқ, куй. Бу тенгсиз буюк олимнинг эзгуликка мойил ҳаёти, туриш-турмуши, юрак унлари...

Саъди Ҳасанович илм-фаннинг машаққатли пиллапояларидан қадам-бақадам ишонч ва умид билан дадил кўтарилиб борди. Университетнинг физика-математика факультетини тугатди, кейин замон тақозоси билан урушга кетди. Машъум урушнинг барча



**Суратда:** *С.Сирожиддинов ҳамкасблари ва шогирдлари даврасида.*

машаққатлари, азобларини ўз кўзи билан кўриб, Ватанига эсон-омон қайтиб келди. Яна ўзи севган касби-кори математика фани билан шуғулланди, илм қилди. Номзодлик, кейин докторлик диссертациясини зўр муваффақият билан ёқлади.

Буюклар айтибдурларки, математик бўлиш осон эмас. Ҳар ким ҳам бу ноёб фаннинг ҳақиқий намояндаси бўла олмайди. Теран фикрли, иқтидорли, зеҳни кучли бўлган кишиларгина илм-фаннинг бу соҳаси билимдонлари бўлишлари мумкин. Ҳаммадан илгари кишида математикага ҳавас, қизиқиш бўлмоғи даркор. Зеро, бу илмнинг тамал тоши — ёшликдан қўйилади ва бир умрга қолади. Саъди Ҳасанович математика фанига ҳавас қўйган ана шундай жонкуяр олимлардан эди. Тинимсиз ўқиш, билим олиш, ўз устида ишлаш, яхши устозларга эргашиш унга илмнинг нурли йўлини очиб борди.

Энг муҳими, С.Ҳ.Сирожиддинов XX асрнинг энг атоқли математикларидан бири бўлган А.Н.Калмагаровга шогирд тушди. Унинг оламга танилган мактабида таълим олди. Олимнинг машҳур Марков занжири кўринишида боғланган тасодифий векторлар учун локал теоремаларни қунт билан исботлай олди. Исботлаганда ҳам бу мураккаб жараённи устози кутгандан ҳам афзалроқ, мукаммалроқ ҳал этиб, яхши натижага эга бўлган. Бу натижалар, биринчидан, ўзаро боғлиқ бўлган тасодифий миқдорлар учунгина эмас, балки полиноминал схемага мансуб, ўзаро боғлиқ бўлмаган тасодифий векторлар учун қўлланилгани бу соҳадаги янгилик эди, иккинчидан, олим қўйилган масалани ечиш жараёнида характеристик функциялар ва материалларни спекторал назариясига асосланган янги метод ярата олди. Мазкур қайд қилинган натижалар асосида Москвадаги математика институтида докторлик диссертацияси ёқлади. Ўша вақтда, шунча олиму алломалар ичида битта ўзбек ўғлони математиканинг ана шу энг қийин, мураккаб масалаларини донишмандлик билан илмий асослаб бериши учун иқтидорли, кенг билимли, зукко инсон — олим бўлиши керак эди. Бу масалани азиз ватандошимиз, ўзбек олими муваффаққият билан бажарди.

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, академик Ёрқин Тўрақулов ўз қадрдон дўсти ҳақида «Дўстимни эслаб...» мақоласида шундай деб ёзади:

«Саъди Ҳасанович нафақат эҳтимоллар назарияси, математик статистика ёки ўзи севиб, умрини бахшида айлаган математика фанининг бошқа соҳаларини ҳам чуқур эгаллаган хассос олим, балки қатор бошқа табиий фанлар, жумладан, астрономия, тиббиёт соҳаларига доир муаммоларни ҳам изчил ўрганган фан намояндаси эди».

У нафақат Ўзбекистонимиз, Ўрта Осиё, Шарқ алломаларининг илмий меросини ўрганиш, қардош республикалар учун ҳам миллий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги саховатпеша ишлари ибрат-эътиборга сазовордир. Сиз қаерга борсангиз, унинг шогирдларини кўрасиз, уларнинг раҳмат-миннатдорликларини эшитасиз.

Олим Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби машҳур ақл соҳибларининг аниқ фанларга, айниқса, физика, математика, астрономияга оид асарларини қунт билан ўрганган, улар ҳақида китоблар, илмий мақолалар битган. «Абу Райҳон Беруний асарларида математика ва астрономия» китоби ҳам Саъди Ҳасановичнинг қаламига мансубдир.

Саъди Ҳасанович илм-фан оламида ўчмас из қолдирди, олий лавозимларда ишлаб яхши ном орттирди. Академик, фан арбоби, Ал-Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, яна унвонлар, орденлар, медаллар... Олий Кенгаш депутати ва Олий Кенгаш раиси. Яна бир қанча илмий ташкилотлар аъзоси эди. Аммо олимнинг эгаллаб турган мансаб-лавозимлар, унвонлари ўзига жуда ярашарди. Бобокалонларимиз айтганларидек, мансаб инсонни улуғламайди, балки одам ўзи эгаллаб турган лавозимни улуғлайди, обрў-эътиборини оширади. Саъди Ҳасанович ҳам бизнинг қалбимизда қай лавозимда бўлмасин, ўз номини ҳамиша пок сақлаган ҳақиқий олим ва олижаноб инсон бўлиб қолаверади.

— Шуни билингки, сиз ўтирган мансаб курсисига бошқалар ҳам ўтирган. Қуш осмонга парвоз этади-ю, яна ерга қайтиб тушади. Мақтовга маҳлиё бўлиш энг доно раҳнамонинг ҳам обрўсини туширади. Камтаринлик инсонни улуғлайди, — дерди ҳамиша алломаи замон.

Академик Саъди Ҳасановичнинг саксон йиллиги муносабати билан «Академик С.Ҳ.Сирожиддинов ҳақида» деган эсдалик китоби нашр этилган. Унда олимнинг ҳамкасб дўстлари, унинг математика мактабини ўтаган содиқ шогирдларининг дил сўзларини ўқийсиз. Ҳа, унинг дўсту биродарлари, шогирдлари жуда ҳам кўп. Ҳатто олимнинг ўз ташаббуси билан иқтидорли ёшлар учун бир неча йиллар илгари ташкил этган мактаб-интернатни тамомлаган, ҳозирги вақтда эса олийгоҳларда, илмий текшириш институтида ишлаётган физика, математика, астрономия ва бошқа фанлар бўйича ишлаётганларнинг барчаси — Саъди Ҳасановичнинг фарзандлари, садоқатли шогирдларидир.

Мустақиллигимиз ўн бир йиллиги муносабати билан бир неча олиму фузалоларга «Буюк хизматлари учун» ордени берилди. Шулар қаторида биз учун беҳад қадрдон бўлган буюк математик олим, академик Саъди Ҳасанович Сирожиддинов ҳам бор.

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, донишманд боболаримизнинг бир сўзини ёдга оламиз: «Одамлар осмонга қараб ёруғ юлдузларни излашади. Ахир, улар она Еримизнинг ўзида-ку!»

Саъди Ҳасанович Сирожиддинов илм осмонидаги ёруғ юлдуз эди...

■ **Мақсуд ҚОРИЕВ**

SPORT

**Теннис**

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ТОШКЕНТДА ЎТАДИ

Осиё теннис федерацияси Халқаро теннис федерациясининг бир қисми ҳисобланиб, унинг қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Халқаро теннис федерациясининг Осиё, Европа, Африка сингари барча минтақаларда ўз аъзолари бор. Минтақавий федерациялар ХТФга теннисни ривожлантиришга манфаатдор давлатларни яқиндан қамраб олишга ва турли доирада турнирлар ташкил қилишга бевосита кўмаклашади. Жумладан, Осиё теннис федерацияси Шарқий, Марказий Осиё, Жануби-шарқий Осиё минтақаларига бўлинган. Уларнинг ҳар бирини ОТФ вице-президентлари бошқаради. Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов Марказий Осиё минтақаси бўйича ОТФнинг вице-президенти ҳисобланади. Мазкур ҳудудда уюштириладиган барча теннис тадбирлари юзасидан амалга ошириладиган маъмурий ва мувофиқлаштириш ишларини юритиш вице-президентнинг асосий вазифаси саналади.

Осиё теннис федерациясига 43 давлат аъзо бўлган. Қитъа чемпионати ҳар йили ўтказилиб, кейинги уч йилда у кетма-кет Гонконгда ташкиллаштирилди. ОТФ сўнгги йилларда Ўзбекистонда спорт, жумладан, теннисни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ва эришилган ютуқларни юксак баҳолади. ОТФ ва Ўзбекистон теннис федерациялари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, жорий йилдан бошлаб уч йил давомида Осиё чемпионати мамлакатимиз пойтахтида ўтадиган бўлди.

Япония, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Таиланд, Малайзия, Ўзбекистон сингари қирқдан ортиқ давлатларнинг кучли ракетка усталари қатнашиши кутилаётган баҳслар 14-20 октябрь кунлари Тошкент теннис марказида бўлиб ўтади. Юртимизда айни пайтда катта теннис байрамига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

## ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАЛАРИ

14th Asian Games BUSAN 2002



**Юнон-рум кураши бўйича кумуш медаль соҳиби Д. Орипов**

Мусобақаларнинг кейинги уч куни вакилларимиз учун анча муваффақиятли ўтди.

Шанба куни спорт гимнастикаси бўйича Оксана Чусовитина яна икки медални қўлга киритди. Дастлаб эркин машқда юксак маҳорат кўрсатган вакилимиз 9350 балл жамғариб, иккинчи олтин медалга сазовор бўлди. Яккачўпда машқ бажаришда эса кумуш медалга муносиб топилди. Шундай қилиб, Оксана Чусовитина икки олтин, икки кумуш медаль соҳибаси бўлди.

Эркин усулда 50 метрга сузишда Равил Начаевга омад кулиб боқди. У белгиланган масофани 22.86 сонияда забт этиб, терма жамоамизга бешинчи олтин медални туҳфа қилди.

Теннис (эркаклар) учрашувларининг ярим финалига йўлланма олган ракеткачиларимиз Япония терма жамоасига имкониятни бой бериб (1:2), учинчи ўринни эгалладилар.

Футболчиларимиз ўз гуруҳидаги иккинчи ўйинда фаластинликлар устидан ғалаба қозонишганди. Учинчи учрашувда японияликларга кичик ҳисобда (0:1) ютқазиб, кейинги босқич йўлланмасидан маҳрум бўлишди.

Баскетбол бўйича аёллар терма жамоамиз ҳали ўз маҳорати устида жиддий ишлаши зарурлиги аён бўлди. Илк учрашувда Япония терма жамоасидан (83:101) енгилган вакилларимиз кейинги икки ўйинда Хитой ва Хитой-Тайпейи баскетболчиларига ҳам ютқазиб қўйишди.

Оғир атлетика мусобақаларида тўрт нафар вакилимиз иштирок этмоқда. Даст кўтариш баҳсида тахиатошлик Бахтиёр Нуруллаев учинчи натижани кўрсатиб, бронза медалини қўлга киритди.

Бокс ва эркин кураш беллашувларида эса вакилларимиз муваффақиятли қатнашишмоқда. Юнон-рум кураши бўйича А.Чеглаков олтин, Д.Орипов кумуш медалларга сазовор бўлгани ҳақида хабар қилгандик. Кеча эркин кураш баҳсларида гиламга чиққан полвонларимиз — Артур Таймазов ҳамда Дилшод Мансуровлар барча рақибларини доғда қолдириб, мусобақанинг олтин медаллари билан тақдирландилар.

Бокс бўйича эса ўн спортчимиздан саккиз нафари жангларни муваффақиятли давом эттиришмоқда. Бугун чарм қўлқоп усталаримиз Дилшод Маҳмудов (60 кг.), Бахит Сарсекбоев (63,5 кг.), Дилшод Ҳусанов (67 кг.), Сирожиддин Наимов(71 кг.)лар чорак финал баҳсларини ўтказишади. Беҳзод Ҳидиров (54 кг.), Икром Бердиев (81 кг.), Сергей Михайлов (91 кг.), Рустам Саидов(+91 кг.)лар эса ярим финал жангларида рингга чиқадилар.

Умумжамоа ҳисобида спортчиларимиз бугунгача етти олтин, олти кумуш, тўққиз бронза медалини қўлга киритишди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

✧✧✧

**«Жаҳон» АА олган суратлар**



**Юнон-рум кураши бўйича олтин медаль соҳиби А. Чеглаков**

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ:

КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШБ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП, и т.д.)

ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ
ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)

СВЕТИЛЬНИКИ
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)

ЛАМПЫ
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)

ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ

700060, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29-д.
Дом быта "Узбекистан, 5-этаж
Тел./факс: (+99871) 136-01-54, 133-12-84, 120-09-09.
e-mail: gamma-elektro@yandex.ru

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК
БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ
8,15,22,29 НОЯБРЬ КУНЛАРИ
КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

*Савдога қуйидаги объект қўйилади:*

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси қошидаги йўл қурилиши ва таъмирлаш трестига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Хонобод» қўрғонида жойлашган Умумтехнологик ишлаб чиқариш бошқармасининг ёрдамчи хўжалиги.

**Бошланғич нархи — 24 720 375 сўм.**

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.***

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

**2002 йил 30 сентябрь, 2, 4 октябрь** кунлари ўтказилган биржа савдоларида 2 та кўчмас мулк — 36 280 000 сўмга, 10 та автотранспорт воситаси — 1 545 000 сўмга, ҳамда 1 та уй-жой 3 700 000 сўмга сотилди.

**Жами савдо натижалари: 41 525 000 сўм.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma`murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 971
11205 нусхада босилди
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23-30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA